

Шавкий Каттакўргоний (тахаллуси; исми Мухаммад Шариф) (1785 — Каттакўргон тумани — 1861) — шоир. Бухородаги Говкушон мадрасасида тахсил олган. Ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Унинг бир девон ва турли баёзлардаги лирик шеърларининг умумий ҳажми 3000 мисра атрофида. Булар ичида газал салмоқли ўрин тутди. Шавкий шеърларида, шунингдек, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, муашшар, маснавий, рубоий, фард, китъа, марсия, мувашшах, чистон жанрига мансуб шеърлар ҳам учрайди.

Шавкийнинг шеърларида инсондаги гўзал маънавий фазилатлар мадҳ этилган. У Бедил, Навоий, Ғолибий, Каби шоирларнинг адабий анъаналарини давом эттириб, ўзининг қомил инсон борасидаги фикрларини фалсафий мушоҳадалар, тасаввуфий қарашлар, диний эҳтирослар пардасига ўраб берган.

Шавкий мусулмончилик қонун-қоидаларининг қиска мажмуи — «Мухтасар ул-виқоя» маснавийсини «Миръот ал-мухтасар» номи билан тожик тилида шарҳлаган. Тахминан 23 минг мисрадан иборат бўлган бу рисола 26 боб — фаслга бўлинади. Хуқуқ мезонлари, ахлоқий-таълимий қарашлар ҳар бир фаслда баён шаклида бериб борилган. Асар охирида қитобдаги арабча сўз ва истилохларнинг лугавий маъноларига изоҳ берувчи сўзлик илова қилинган. Шунингдек, араб грамматикасига оид «Рисолаи қофия ё миръот ун-наҳв» асарини ёзган. Шавкий девонлари нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти (инв. №4634) ва Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти (инв. № 1899) да сақланади.

ДЕБОЧА

Ҳақ ҳамди, расул наътин изҳор
Айлаб, яна бир-иқи сўзум бор.
Донолар самъига етушгай,
Бир неча расони кўзи тушгай.
Ашъорим ўқушсалар арода,
Ёд айласалао мени дуода.
Ҳижратдин ўтуб минг иққи юз йил,
Йўқдин бу жаҳона келмишам, бил.
Ўттузга қиранда, сайр этиб роҳ,
Ҳатми қутуб айламишман, эй шох.
Толиблара хизмат айладим чўх,
Ўйку била роҳат айламақ йўх.
Ғоҳо келур эрди шеър ёда,
Мақтуб ўлур эрди ул арода.
Ул асра муаллим эрди бир эр,
Дерлар эди они Мавлавий Шер.
Таҳқиқ эди онинг иши дойим,
Толиблари хизматиға қойим.
Олимлар ичида сарвар эрди,
Ҳотам сифату қаландар эрди.

Товук йили фавт этти ночор,
Тарих анга «мург» бўлди, эй ёр...

САБАБИ ТАЪЛИФ

Бир марди кўхан манга ёвушти,
Ахволима иттилое тушти.
Кобил билибон мени бу ишда,
Мохир сониб хар каю равишда,
Саъй айлади, берди бир неча панд,
Изхори хунарга килди пайванд.
Устозим эди-ю, рахбар эрди,
Ул асрда балки сарвар эрди.
Онинг сифатин на дейки, эй шох,
Эрди бари илмлардин огох.
Одобдин эрмас эрди, ночор
Исмани десам — Халифа Бозор.
Дийдорини хак каромат этгай,
Нофеъ сўзи бирла хакга етгай.
Айди:— Хунарингни айла изхор,
Хифз этмакадур сўзунг сазовор.
Абётинги ким ўкуб эшитса,
Шоядки доуи хайр этса...
Макбули табиат ўлди сўзи,
Хал бўлди бари сўзинг рамузи.
Бас «Мухтасари викоя»ни назм
Этмакни ўзумга айладим жазм.
Форсий тил илан тамом килдим,
Зоди рахи хосу ом килдим.
Мармузи гавомузин хал этдим,
Мужмал сўзини муфассал этдим.
Бурноги расолари замона
Гўстурдилар эл аро нишона.
Бир неча китоб деб Навоий,
Еткурди хазинлара давойи.
Андин сўнг ўтуб расо Фузулий,
Ашъори расоларинг кабули.
Форснй эл аро расоси чўхдур,
Бедил киби бир расоси йўхдур.
Сўз бобида табъи бахри маввож,
Файз ила замири шамси ваххож.
Гоятда эрур анинг камоли,
Миръоти сифоти лоязоли.
Рангин сўзи дурри бахри гайбий,
Эъжозида йўк улусни райби.
Бир неча китоб колди ондин,

Хар бириси они тотлу жондин.
Мен, Шавкий, анинг сўзин асири,
Бел боглу мухибларини бири.
Рухидин анинг тилаб ионат,
Офоти замонадин сиёнат.
Тангри карам этса мен гадоя,
Солгай боша тайри бахт соя.
Йўк боглу дари хазинаи гайб,
Дур сочса кимарса, килмагил айб.
Инсоф ила сўзга кил назора,
Фарк айла дур ила санги хора.
Хар кимки эрур улума мохир,
Бўлгай анга сўзни хусни зохир.
Уч лафз ила олам ичра девон
Айган йўк эди бирор инсон.
Химмат камарини белга боглаб,
Услуги улум илан яроглаб,
Туттум рахи хамду наъту алкоб,
Ёр ўлса карими хайи ваххоб.
Шавкийга худой рахбар ўлгай,
Дарёдил ўлуб, суханвар ўлгай.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Чикди богидин бир гул, мен сори шитоб айлаб,
Буркаъин солиб юздин, багрими кабоб айлаб.

Титравуж токиб бошка, зарварак сепиб кошка,
Мени олди ёнбошка, дин уйин хароб айлаб.

Хаддин ошканин ишким билмайин, белин кучтум.
Заррадек ера туштум, анда изтироб айлаб.

Бехуд ўлмогим кўрди, бошим узра ўлтурди,
Мени хуша келтурди, хайидин гулоб айлаб.

Кўргач-ўк ўшал юзни, бахраманд этиб кўзни,
Боадаб тутуб ўзни, накши по хисоб айлаб.

Сўрди мустамандидин, хажрининг газандидин,
Лаъли нўшхандидин мени комёб айлаб.

Аклим итмиш ул соат, телбалиг тарийкидин

Ёва сўз демишдурмен, оллида хитоб айлаб.

Келди кахри ул гулни, сарди зулфи сунбулни,
Ўтка солди мен кулни, боги иртикоб айлаб.

Тарки хонумон эттим, гўшада макон эттим,
Васфини баён эттим, Шавкидин китоб айлаб.

* * *

Эй кади сарви сихий, булбули гулзоргинам,
Кўзими равшанию махрами асроргинам.

Деб ўшал гавхари як дона мени махв этай,
Садка бўлсун ани йўлида йўку боргинам.

Бўлмасун офати дунёга гирифтор асло,
Кўзимни оллида юрсун гули бехоргинам,

Жонима рохат эрур кўнглуми оромгахи-
Сарви ул гул гўзалим хам мени дилдоргинам.

Гами айём кўнгул пардасига йўл топмай,
Мени шод айлади ул гавхари шахворгинам.

Гар Зулайхои замон десам они, айб этманг,
Мисри кулфатда манга бўлди харидоргинам.

Лаб шакар тўтиси Шавкийни севарда айтур:
— Эй кади сарви сихий, булбули гулзоргинам.

* * *

Эй пари пайкар, Масиховаш, шакар гуфтор сен,
Кўй кадам гулшан сариким, равнаки гулзор сен.

Бош чикориб сарв гулшандин, йўлунгда мунтазир,
Килмасанг бовар, сўр андин, борсанг, эй дилдор, сен.

Шоми хижрон ичра колдим, оразингдин чек никоб,
Эй куёш талъат, фуруги дидаи хунбор сен.

Нотавон этти гами хижрон, етушти лабга жон,
Сўргали бемори ишкинг, кел Масиховор сен.

Мен худ ўлдум кўрмайн, тавсан миниб килсанг гузар,
Маркадимдин ўтма, то бир бокмасанг зинхор сен.

Дашт аро овора бўлганларни холин, эй насим,
Ёр кўйи сори бўлсанг, айлагил изхор сен.

Махвашимни тавсани босган изидур, кўкдаги
Ул тўлун ой эрмас, эй зоҳид, агар хушёр сен.

Сен киби золим элидин шиквалар килсам, не тонг,
Чўх балолар бошга солган гунбази даввор сен,

Хар қачон қолсанг суубат ичра бу даврон аро,
Шавкиё, зикр айла наъти санийди аброр сен.

* * *

Ёр хажрида кўзум катраси чандон-чандон
Октиким, қолди улус кўргали қайрон-хайрон.

Чархдек сочтим ўлуб ҳам ёшим анжум-анжум,
Келгали қулбама ул ой арақафшон-афшон.

Ўлтуруб эрдим анинг ёдида мен қон йиглаб,
Сунди май мен сари ул мугбача хандон-хандон.

Қоши ёсини чекиб, ноз ила новак отгач,
Ўтти кўксум сипаридин ўқи паррон-паррон.

Шукрқим, қўнглум уйин айлади равшан тун субҳ,
Кўргузуб меҳри вафосин манга алвон-алвон...

Дайрдин лутф ила, Шавкий, санга мийно-мийно
Берсалар бода, сумур гўшада пинхон-пинхон.

* * *

Изо мо зокатул-ахволи билхажр,
Фасиф антассуода лайлатуд-дажр.

Агар шоми фирокидин қутулсам,
Дегай васфини хатто матлаъул-фажр.

Жавохирлар тўкармен икки кўздин,
Тилармен лаъли нобидин анга ажр.

Недин охим ўкин торамга отмай,
Килибдур коматим «ё»дек нигун хажр.

Мени гар хонаках сориди кўрсанг,
Бу йўлдин кайтарурда айлагил зажр!

Тамаъ айлаб висолига, чекармен
йўлида дарду андухи гами хажр.

Балои хажридин кўп кўркма, Шавкий,
Масалдур: кўруган кўзга тушар важр.

* * *

Гафлатим дафъига маъжуи зарованд эттим,
Кўзиминг косяо ашкин суву хованд эттим.

Ўлмас иксилмогудек гайр хаёли яъни
Риштаи шавкинги жон торига пайванд эттим.

Музди дийдорингга лойик хасанотим йўк эди,
Ваъдаи васлинг ила кўнглуми хурсанд эттим.

Касри ирфоними селоби хаёл этти хароб,
Дайр лойидин ани рахнасини банд эттим.

Телба кўнглумга солиб силсилаи ранжу ано,
Водийи ишкинги катъига хирадманд эттим.

Шояд ўлгай манга жамияти дил тафрикадин,
Ўзими халк аро фақр ахлига монанд эттим.

Жоми майдин мени Шавкийга карам кил, сокий,
Харза аквол ила табъимни пароканд эттим.

* * *

Кело, хўбларни хўби, кинналарни ташламаймизму?
Жахон айвонида бир неча кун дил хушламаймизм ?

Мабодо бир куни жон олгучи олгай бу жонларни,
Ки андин илгари бўйнинг уза кўл ташламаймизму?

Замона кулфатидин кўзда ёшлар кона айланди,
Ани дафъи учун майхонага йўл бошланмизму?

Сени зулминг килиб багримни кону, дил хама зардоб,
Не бўлгай раҳм килсанг, соате ёнбошламаймизму?

Бахор айёмида гуллар хама очилса бўстонда,
Ани сайр этмока хамдам бўлиб кўл ушламаймизму?

Чунон ташна бўлубмен оташи ишкингдин, эй барно,
Ани кондурмока лаъли лабннгдин тишламаймизму?..

Нигоро, золимо, мунча жафолардин не максад бор,
Мени олдимга кел, ёнбошлашиб кенгошламаймизму?..

Мунингдек орзуларга етолмай ўттинг, эй Шавкий,
Ки шояд раҳми келгай, деб сахар нолишламаймизму?

* * *

Килдилар ахли риё ўзларин эшон янглик,
Билдилар хийла ишин бу била осон янглик.

Эл кўзига ўзларин айладилар кутби замон,
Калбига бокса киши, сурати бежон янглик.

Хийла-ю макр ила элни ўзига килди мурид,
Сурати шайхнамо, сийрати шайтон янглик.

Маърака садри бўлуб, бермайин илм ахлига жо
Билмайин илму адаб расмини хайвон янглик.

Назр деб хийла-ю талбис ила эл молин олиб,
Хазар этмай едилар гурги биёбон янглик.

Хайлини рохи залолат сарига бошлагали,
Ўгрилик хожасига килгувчи дўхон янглик.

Хошиши нафс учун айладилар мунча фусун,
Шавкиё, килма ўзинг ботини ёлгон янглик.

* * *

Десанг замирими ханнос килмасун ва^вос,
Йирог айлама ўздин ситойиш ила сипос.

Улуг сифат киши ёш эрканида хам билинур,
Бу сўзга койил эрур кимки бўлса чехрашунос.

Жахон бақосига макбул бўлмади меҳнат,
Магар бу сўзга гувах бўлса Хизр ила Илёс.

Кўнгул харошига кўрдунгму чархи кажрафтор
Хилолдин ясабон кўргузур халойика дос.

На кохи чатрдурур, на сипехри торами хазр,
Килурга гард, эрур бошинг узра санги харое.

Ажал шиканжасидин фориғ ўлмади ҳеч ким,
Не кўнгуроту, не найман, не уйгуру жайёс.

Ўзинг ишинг била бўл, гофил ўлма бир соат
Ки, касри умринг эрур бемадору суст асос.

Кушодарўй ўлубон, айлагил тилингни чучук,
Агар десанг, бўлайин олам ичра сарвари нос,

Ўзунгга айла тавозуъ тарийкасин пеша,
Юзунгни килма совук халк ичида мисли калос.

Мухаббатинг гухарин сарф этмагил улким,
Итоб этарда сенинг хетирингни тутмас пос.

Ўзунг мужолисинг ила қарор тут, билсанг,
Бўлур қарога сазовор айру чогида лос.

Фалакни кўрки, берур гайримизга бодаи айш,
Биза етушганида давр чаппа айлади тос.

Қаерда чангу рубоб ўлса, Шавкиё, базм эт,
Муганнийларинг эрур нагмаси сўзунгга либос.

МУХАММАСЛАР

* * *

Ишқ офатидин тушти менинг бошима савдо,
Мажнун киби хайрон кезарам шаҳр ила саҳро,
Тун-қун ишим ўлди мени ҳар ерда алоло,
Олам кўрунур кўзима бир шаҳпари анко,
Мунис манга гам, дарду бало қулбаси маъво.

Ҳасратзадамаи, лозим эмас маснади шохий,
Олдурғали кўнглумни кўруб ул юзи мохий,

Хар дам ошурурман фалаки зухрадин охи,
Оё кўрунурму кўзума васлини рохи,
Огзимга эрур захру ситам неъмати дунё.

Гар васли муяссар манга килмас эса бахтим,
Дунёда керакмас манга бу тож ила тахтим,
Бир ён кетарам телбасифат, колгуси рахтим.
Чекти алами тешаи офат сари сахтим,
Фархода на нофеъ лаби Ширин, дами Исо.

Мушкил иш экан ишк, ани билмас эканман,
Ранжу аламим кўзга анинг илмас эканман,
Бош кетса, анинг йўлидин айрилмас эканман,
Ер этса жафо, тарки вафо килмас эканман,
Жон рохатидур ройихаи сунбули соро.

Эй зоҳиди фарсуда, манга килма насихат,
Ишкидин анинг манеъ ўлуб, килма фазихат,
Гар васли муяссар нўк эса, хажри ганимат,
То катми адам бор ани кўйига эзимат,
Саргашта кезармен рахи пайгулаи габро.

Маъшукани хуснини билур сийнаи ошик,
Хоки кадамин сурма килур дийдаи ошик,
Гар бошидин ошса гами деринаи ошик,
Уммедин узолмас дили бекийнаи ошик,
Умрини килур сарф ани йўлида саропо.

Оинаи икболима даврон ситам этти,
Хижрон тошини урди, бахосини кам этти,
Мехнатни зиёд айлади, помоли гам этти,
Кўнглум тилиниб, азми тарийки адам этти,
Ушшока улуг офат эрур фитнаи аъдо.

Бир ёра гирифтор ўлали бесару сомон,
Хар ён кезарам телба сифат волау хайрон,
Ишкидин эрур хамнафасим нолау афгон,
Оламда менинг мушкилими айлагил осон,
Йўк сендин ўзга такягахим, эй шахи доно.

Шавкийга маколини карам кил, асар этсун,
Ким нахли маколоти фасохат самар этсун,
Файзи хака элни сўз ила бохабар этсун,
Ашъорини донолар ўкуб, муътабар этсун,
Озгурма тарийки набавийдин ани асло.

* * *

Бир ошёнда тутмиш эди маскан икки зог,
Буми замона айлади бир-биридин йирог,
Бир дам олонча кўймади хижрон аларни сог,
Айди аларни шаънига бир сохиби фарог:
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

Мажнуну Лайли бир-бира айларди жон фидо,
Тахсин этар эди алара шах ила гадо,
Хомуну Нажд арода килиб ишкг,а иктидо,
Хижрон аларни айлади бир-биридин жудо,
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

Юсуф аголари чах аро ташлабон нишеб,
Канъон ичида хазрати Яъкуб гусса еб,
Охирда соттилар ани Миср ичра банда деб,
Хижрон аларга кўрки, на ишларни кўрди эб,
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

Фарходким газанпари ахли жахон ўлуб,
Ширин фироки бирла ани багри кон ўлуб,
Хам Кўхканки шухрати ахли замон ўлуб,
Хижрон арога тушгали тоғлар макон ўлуб,
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

Келди кулокга Вомику Азро хабарлари,
Бири Яманни буржини бир мохи анвари,
Бири фирок мархаласини самандари,
Хижрон аларга солди букун чархи ахзарий,
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

Махжур Хисрави-ю, Музаффарда минг алам,
Яъкуб' чўл арода гирифтори чўх ситам,
Музтар асири нашъа-ю Вола хароби гам,
Шавкийни сухбатини тополмай Хиромий хам,
Ул унда дог бўлди-ю, бул мунда бўлди дог.

МАСНАВИЙ

Бор эди бир хасиси дангу дагал,
Ўлур эрди дирамсиз ўлса багал.

Биров гар келмак ўлса унга гумон,
Сарф ўлур деб анга бирорта нон.

Оташи хирс айлаюр эрди дог,
Кўрунурди замона бир пари зог.

Ходисоти замона ели эсиб,
Бир кишини тушурди, йўлни кесиб.

Кеч эди-ю, йўли хам эрди узун,
Келди дарвозага, чикармади ун.

Соате ўлтуруб эди, ногох
Чикти уйдин ўшал хасосат жох.

Назари тушди ул сихий кадга,
Холини сўрмай, очти лаб радга.

Деди:— Бу уйда хеч киши йўқдур,
Деди ул хамки:— Корнимиз тўқдур.

Бир замон бўлса бир уй омода,
Гарчи бўлса тўшакдин ул сода,

Истирохат килиб кетар эрдук,
Эртарок манзила етар эрдук.

Бўлди ночор, уйга киргузди,
Умридин риштаи умид узди.

Бор эди завжаси, афифаи вақт,
Эсмаган зулфи сори сарсари макт.

Моил эрди сахо сарига дили,
Айтмаган бетахоший сўзни тили,

Турди ул нолира. еридин чуст,
Мехмонга таоме килди дуруст.

Чун ки мехмон учун пишилди палов,
Лаълдек жонига тутошти олов.

Бойга асру тамаллук ила бориб,
Мехмон сори ошини юбориб,

Борди-ю, киблага ўгурди юзин,
Чашмадек тутти ашки икки кўзин.

Деди:— Ё раб, мунинг замирини оч,

Рахматинг фанзидин хамирига соч.

Мапи тавфикдин карам айла,
Ани халк ичра мухтарам айла.

Бир неча ўгри иттифок айлаб,
Бойнинг молин иштиёк айлаб,

Накб уруб ховлидин, чикориб бош —
Урди мехмон аларни бошига тош.

Ўгрилар кеттилар умидин узуб,
Етмади мехмон ўзини тузиб.

Яна бир молини бўғуб эди ип,
Ани хам борди-ю, айирди билиб.

Уйга ўт тушганин билиб ногох,
Уй эгосин айлади огох.

Гайрат айлаб ўчурдилар они,
Йўкса куюрди моли хам жони.

Англабон бу шарафни мехмондин,
Яхширок кўрди они юз жондин.

Ботин ила бу маънига етибон,
Хасаду бухлу хиссати кетибон.

Ёд этиб чикти кеча-ю кундуз,
Тангри фармонидин ўгурмади юз.

Деди Шавкий:— Ўшал киши мен эдим,
Саргузаштимни назм бирла дедим.

КИТЪАЛАР

Урарлар ахли мансаб эрталар чою палов окшом,
Сену мендеклара харгиз муяссар йўк гурунбоди!
Бу янглиг фазл ила, найлай, чикиб Карнаб йўлин тутмай,
Бухоро ичра мансаб топтилар хар зогу калходи!
Расолар холини билмак учун Шавкий савол этди,
Кани бир ахли дониш то жавобин килсин иншоди?!

* * *

Килиб эрдимки бир куни кочи:
Олиб эрдим бузоки ургочи.
Подачига дедимки:— Эй ўрток,
Камбагал молидир — билиб, хўб бок.
Ўтлик-ўтлик ерда элтиб бокгил,
Давлатимдин тезагини ёкгил.
Колмайин мен сенинг вуболингга,
Ол кочимни «оши халол»ингга!